КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ЗАРБДОР МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 94 (6206).

13 МАЙ ШАНБА

1978 ИИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

М. А. СУСЛОВ СТАВРОПОЛГА КЕЛДИ

СТАВРОПОЛЬ, 11 май. (ТАСС махсус мухбири). КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. А. Суслов бугун бу ерга келди. У Ставрополь шаҳрига Октябрь революцияси ордени топширишга бағишланган тантаналарда қатнашади.

М. А. Суслов ўлка партия комитети бюросининг аъзолари, КПСС шаҳар ва район комитетларининг биринчи секретарлари билан суҳбатлашди. Ўлканинг экономикасини янада ривожлантириш, унинг қишлоқ хўжалигини юксалтириш, ўнинчи беш йиллик планни бажариш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

М. А. Суслов «Красний металлист» заводини бориб кўрди, В. И. Ленин ёдгорлигига ва абадий шуҳрат машъали ёнига гулчамбар қўйди, шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини бориб кўрди.

СТАВРОПОЛЬ БАЙРОҒИДА ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ ОРДЕНИ

СТАВРОПОЛЬ, 12 май. (ТАСС махсус мухбирлари). Бугун бу ерда КПСС шаҳар комитети билан халқ депутатлари шаҳар советининг Ставрополь шаҳрига Октябрь революцияси ордени топширилишига бағишланган тантанали мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлис иштирокчилари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросини баланд руҳ билан фахрий президиумга сайладилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари **М. А. Суслов** йиғилишда нутқ сўзлади. Йиғилиш иштирокчилари уни самимий кутиб олдилар. М. А. Суслов йиғилиш иштирокчиларининг гулдурос қарсаклари остида Леонид Ильич Брежневнинг Ставрополь шаҳар партия комитетига, шаҳар ижроия комитетига, шаҳарнинг барча меҳнаткашларига йўллаган табрикномасини ўқиб берди.

Ўртоқ М. А. Суслов Ставрополь Октябрь революцияси орденини топширди.

МУСОБАҚАДОШ РАЙОНЛАРДА

(Биринчи устун — маҳсулот турлари, иккинчи ва тўртинчи устун — квартал планининг бажарилиш процента, учинчи ва бешинчи устун — баллар)

	Оҳангарон		Бўстонлиқ	
Гўшт топшириш	110,5	3	94,0	3
Сут топшириш	120,0	3	101,3	3
Тухум топшириш	88,0	2	151,4	4
Ҳар бош сигирдан соғиб олинган сут (кг)	629	1	617	2

Анъанавий социалистик мусобақа асосида механ қилаётган Оҳангарон ва Бўстонлиқ райони чорвадорлари қишловни муваффақиятли ўтказиб, чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва сифатини яхшилашда муайян ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Мусобақадошлар ҳар бир чорвачилик бригадаси учун тузилган перспектив план ҳамда ойлик ва квартал графиклари асосида иш юритишда бир-бирларига амалий ёрдам кўрсатмоқдалар.

Оҳангарон районида чорвачиликни ихтисослаштириш ва концентрациялаш асосида саноат негизига кўчириш программаси амалга оширилаётир. Масалан, «ВЛКСМ 50 йиллиги» совхозида йиллига 10 минг бош қорамолни бўрдоқига боқадиган саноат комплекси, Серго номли колхозда 200 бош қорамолга мўлжалланган сутчилик комплекси, «Ғаллакудуқ» совхозида эса йилига 108 минг бош тўчқанни семиртириш қувватига эга бўлган комплекслар ишлаб турипти. Ана шу тўбдан ўзгаришлар самарасида район хўжаликларида гўшт етиштириш 1975 йилга нисбатан 72 процент, сут етиштириш эса 20,2 процент ўсди.

Районда сигирлар ва ғунажинлар сонини кўпайтиришга жиддий эътибор берилаётир. Шунинг учун ҳам сут етиштириш йилдан-йилга кўпайиб, сортликлиги ошиб бормоқда. Жумладан, ўтган йили район совхозлари давлатга топширган жами сутнинг 84,6 процента биринчи сортларга қабул қилинди. Шунингдек, давлатга гўшт ва тухум топшириш планлари ҳам муддатидан илгари ошириб бажарилаётир.

Ўзаро ҳамкорликка асосланган меҳнат беллашуви Бўстонлиқ райони чорвадорлари учун ҳам катта наф келтираётир. Район хўжаликларида биринчи кварталда давлатга гўшт, сут, тухум сотиш ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан анча кўпайди.

Айни кунларда район колхоз ва совхозларида совлиқлардан қўзи олиш ниҳоясига етай деб қолди. Ҳозиргача мавжуд совлиқларнинг 98 процента қўзилаб бўлди. Дастлабки ҳисоблар шуни кўрсатдики, ҳар юз бош совлиқдан олинган қўзи 103 таданга тўғри келаётир.

Биринчи квартал якуни бўйича бўстонлиқликлар жами 52 балл тўплаб мусобақада пешқадам бўлдилар. Оҳангаронликлар улардан 11 балл ортда қолдилар.

Ҳар икки мусобақадош районда эришилган ютуқлар билан бир қаторда айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилаётир. Районларнинг хўжаликларида ҳали тўла фойдаланилмаётган резерв ва имкониятлар анчагина. Колхоз ва совхозларнинг партия ташкилотлари, раҳбарлари ҳамда мутахассислари чорва молларини намунали сақлаш ва боқишга, сигирлар ва ғунажинлар сонини кўпайтиришга, молхоналарни реконструкция қилиш ва янгиларини қуришга, фермаларда кўп ва оғир қўл меҳнати талаб қиладиган ишларни механизациялаштиришга ҳали етарли эътибор бермаётирлар. Етиштирилаётган озуқа бирлигига нисбатан сарфланаётган меҳнат, маблағ ва озуқаларни камайтириб бориш суръати бир мунча сust.

Мусобақадошлар меҳнат беллашуви давомида эътибордан четда қолаётган ана шу муҳим масалаларни ҳал этишга жиддий киришсалар айни муддао бўлур эди. Зотан, самарадорлик ва сифат беш йиллигининг зарбдор учинчи йили юзасидан олинган юксак социалистик мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлайдиган асосий омиллардан бири ҳам ана шудир.



Областимиз колхоз ва совхозларида донгдор сут соғувчи Мунаввар Исҳоқованинг издошлари йил сайин кўпайиб бормоқда. Калинин районидаги Москва колхози пешқадам чорвадорлари Муҳаррам Мўминова (чапдан) ва Маҳмуда Алимовалар шулар жумласидандир. Улар бу йил ҳар бош соғин сигирдан 4500 килограммдан сут соғиб олиш учун курашмоқдалар.

Қ. Розиқов фотоси. (ЎзТАГ).

МАЖБУРИЯТ БАЖАРИЛАДИ

Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхознинг пиллакорлари юбилей йилида ҳар қути уруғдан 62 килограммдан пилла олиб, давлатга 26 тоннадан ортиқ пилла топширган ва социалистик мажбуриятларини ошириб бажарган эдилар. Бу йил хўжалик пиллакорлари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактубига жавобан ҳар қути уруғдан 70 килограммдан пилла етиштириш, давлатга 28 тонна пилла сотиш мажбуриятини олганлар.

Колхоз пиллакорлари юксак мажбуриятни муваффақиятли бажариш учун эрта баҳорданоқ озуқа базасини мустаҳкамлашга киришдилар. Мавжуд 89 гектар ердаги тут плантацияларининг қатор оралари сифатли шудгорланиб, суғорилди.

— Тутлар амалга киришдан олдин суғорилганлиги туфайли тез барг ёзди, юмшоқ ва сersув бўлиб етилди. Натижада бу йил қурт тез ва соғлом етилаётир.

Қ. ИУЛДОШЕВ.

БЕШ ИИЛЛИКНИ БАЖАРГАНЛАР

ОПЕРАТОРНИНГ МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

НИКОЛАЙ Тришчев меҳнатсеварлиги ва коллектив ишига фидокорлиги билан ҳамкасблари ҳурматини қозонган. У илғор иш усулларини қўллаш, иш вақтининг ҳар бир минутидан самарали фойдаланиш бўйича энг юқори кўрсаткичларни қўлга киритаётган зарбдорлардан бири. Николай Антонович Ингийўл экспериментал колбаса заводида узоқ йиллардан бери ишлаб келаётган меҳнат ветерани, ўнлаб ёшларнинг устози ҳамдир.

Бу пешқадам оператор республикамиз ўн илғор ишчисининг бир беш йилликда икки беш йиллик шахсий топшириғини бажариш ташаббусига биринчилар қаторн қўшилган эди. Куни кеча у улкан зафар қучди — ўнинчи беш йиллик шахсий топшириғини бажарди.

Завод коллективи зарбдор йил планини 14 декабрда бажариб, пландагига қўшимча 700 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилган.

«КИЧИК ЕР»ГА АТАБ

Тошкент область партия комитети пропаганда ва агитация бўлими ҳамда республика ҳарбий комиссариати кеча ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Кичик ер» китобига бағишланган илмий-назарий конференция ўтказдилар.

Конференцияни область партия комитетининг секретари А. М. Ҳўжаев кириш сўзи билан очди.

Республика ҳарбий комиссари генерал-майор С. У. Эргашев доклад қилди.

Докладда, конференция иштирокчиларининг нутқларида «Кичик ер» китобининг меҳнаткашлари, айниқса, ёшлари ғоявий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги жуда катта аҳамияти борлиги қайд этилди.

(Конференция ҳақидаги ҳисобот газетанинг кейинги сонида эълон қилинади).

СЎНГЧАКЛАР АТРОФИДА

Доно опа ярим тунда чўчиб уйғонди. Апил-тапил туриб чироқни ёқди ва токчадаги будильникка қаради. Соат уч.

Доно опа қурт хонасига кирди. Ҳозиргина тинч турган хона шитир-шитир овозларга тўлиб кетди. Опа завқланиб уларга тикилади. Жилмайиб қўйди.

Доно опа Азларова Калинин районидаги Свердлов номли совхознинг илғор пиллакорларидан. У 4-звенода меҳнат қилияпти. Тиниб-тинчимас опани ҳамма ҳурмат қилади.

— Ипак қуртига меҳрим тушиб қолган,— дейди Азларова.— Бирор йил уни боқмасам, бир парсамни йўқотиб қўйгандек гаранг бўлиб юраман. Ўтган йили нўрмани бир ярим баробар қилиб пилла топширдим. Бу йили ҳам бир қути олганман. Мўлжалим—тўқсон килограмм. Ундан ортса ортадики, кам бўлмайди. Бунинг учун биз пилла қуртининг катта ёшида яхши парвариш қилишга алоҳида эътибор берамиз.

Маҳмуд Усмонов бош бўлган бу звенода Доно опа Азларова каби ипак қуртига меҳри тушиб қолганлар кўп. Шулардан бири олов қалб Файзулла Каримовдир. У олти қути ипак қуртидан 450 кг пилла олиш учун жонбозлик кўрсатмоқда. Шунингдек, Маърифат Турсунова, Шариф Холхўжаев, Бакир Ғуломов кабилар ҳам мўл ипак ҳосили олиш ишқида сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар.

Звено ҳар йили районда биринчилардан бўлиб маррага дадил етиб келарди. Бу йил ҳам яна ғолибликни қўлдан бермаслик учун интилмоқдалар.

А. ИНОҒОМОВ.

КАСАБА СОЮЗЛАРИНИНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРИ

11 майда Москвада касаба союзлари активининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Сибирь ва Узоқ Шарқ районларига қилган сафарининг якунлари, унинг ВЛКСМ XVIII съездида сўзлаган нутқи асосида касаба союзларининг вазифалари муҳокама қилинди.

Бу ҳақда ВЦСПС Раиси А. И. Шибаев доклад қилди. Докладчи ва нотиқлар ўртоқ Л. И. Брежневнинг йўл-йўриқлари ва тавсиялари мамлакат касаба союзларини ҳамма соҳаларда жанговар программа билан қуроллантиришни ўқтириб ўтдилар. Леонид Ильичнинг «Кичик ер» ва «Тикланиш» хотиралари жуда катта сафарбар қилувчи кучга молик ҳужжатлардир. Л. И. Брежневнинг ГФРга қилган визити якунлари, визит давомида имзоланган ҳужжатлар қизғин маъқуллаиб кутиб олинди.

Кенгашда ўртоқ Л. И. Брежневнинг йўл-йўриқлари ва тавсияларини бажариш соҳасида касаба союзлари органларининг амалий тадбирлари чуқур муҳокама қилинди. Социалистик мусобақани ташкил этишни такомиллаштириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш учун кураш масалалари батафсил қараб чиқилди. Сибирь ва Узоқ Шарқ районларида касаба союзларининг корхоналарнинг лойиҳада белгиланган қувватини тезроқ ўзлаштириш, хом ашё, материаллар, энергиядан оқилона, тежаб-тергаб фойдаланиш соҳасидаги ишларини кучайтиришга, хўжалик фаолиятининг ҳар бир участкасида уюшқоқлик ва интизомни яхшилаш вазифаларига, совет кишиларининг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш, ёшларни тарбиялаш ва уларга касб ўргатиш масалаларига алоҳида эътибор берилди.

Кенгаш иштирокчилари мамлакатнинг касаба союзлари Сибирь ва Узоқ Шарқнинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшадилар, КПСС XXV съезди қарорларини, ўнинчи беш йиллик топшириқларини бажариш учун курашда ташкилотчилик ва тарбиявий ишларни янада юксак даражага кўтарадилар, деб КПСС Марказий Комитетига, шахсан ўртоқ Л. И. Брежневга ваъда бердилар.

(ТАСС).

ИЛҒОР ЧОРВАДОРЛАРГА —ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети 1978 йил биринчи кварталида чорвачилик бўйича колхозлар ва совхозлар ўртасидаги социалистик мусобақа якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроқлари 1978 йилнинг биринчи кварталида чорвачилик бўйича социалистик мусобақада энг яхши кўрсаткичларга эришганликлари учун қуйидагиларга берилди: **Сурхондарё областига,** Қашқадарё областидаги **Ульянов районига,** Фарғона областининг **Бувайда районига,** Самарқанд областининг **Нурота районига,** Андижон областининг **Бўз районидаги К. Маркс номли колхозга,** Хоразм областининг **Боғот районидаги Наримонов номли колхозга,** Қорақалпоғистон АССРнинг **Тўрткўл районидаги «Коммунизм» колхозига,** Наманган областининг **Поп районидаги В. И. Ленин номли территориал ишлаб чиқариш бошқармасига,** Жиззах областининг **Фориш районидаги «Чимқўрғон» қорақўлчилик совхозига,** Бухоро областининг **«Навоий» парандачилик фабрикасига,** Сирдарё областининг **Давлат наслчилик корхонасига берилди.**

Шунингдек, байроқ Тошкент областининг **Калинин районидаги «Қорасув» совхозига** (директори ўртоқ Албеков, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Ёқубова, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ Раҳимов) берилди. Бу совхоз қорамол 8,5 процент кўпайишини, шу жумладан сигирлар 11,5 процент кўпайишини таъминлаган. Ҳар бир сигирдан 830 килограмм — 75 килограмм кўп сут соғиб олган ва гўштга топширилган қорамолнинг ўртача вазни 490 килограмм — бултургидан 34 килограмм кўп бўлган, гўшт ва сут етиштиришни кўпайтирган, давлатга гўшт сотиш кварталнинг планини 168 процент, сут сотиш планини 116 процент қилиб бажарган, ҳамма сутни биринчи сортларга топширган.

Байроқ Қорақалпоғистон АССР Беруний районидаги Беруний номли совхозда олиб борилади.

Тошкент областининг **Оҳангарон районидаги «ВЛКСМ 50 йиллиги» саноат комплексига** (директори ўртоқ Исломхўжаев, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Пак, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ Саримсоқов) берилди. Бу комплекс 10950 бош қорамолни бўрдоқига боқиб, 633 тонна гўшт олинишини таъминлаган, ҳар бош қорамолнинг бир суткада семириши ўртача ҳисобда 705 граммдан бўлиб, ҳар килограмм семиришга олти озуқа бирлиги, бир центнер семиришга олти киши — соат сарфланган ва унинг таннархини 135 сўм 50 тийинга туширганки, бу планда белгиланганидан 4 сўм 40 тийин арзонлик қилади. Биринчи кварталда 343,8 минг сўм фойда олган.

Байроқ шу областдаги «Сергели» саноат комплексидан олиб берилади.



Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхоз сабзаваткорлари айни кунларда юксак мажбуриятни муваффақиятли бажариш учун ички резерв ва имкониятлардан тўла фойдаланмоқдалар. Айниқса, Шомурод Маҳкамов раҳбарлик қилаётган бригада далаларида иш қизғин. Бу коллектив 8 гектар ерга эртаги карам экиб, ҳосилдорликни пландаги 23 тонна ўрнига 40 тоннага етказиш мажбуриятини олган. Суратларда: (ўнгдан) Ш. Маҳкамов бригада аъзолари И. Усмонов, И. Раҳимовлар билан; илғор сабзаваткорлардан Насиба Ҳайитбоева (чапда) ва Маҳсума Пўлатовалар.

А. Абалян фотолари.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ XVI ЧАҚИРИҚ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ НАВБАТДАГИ V СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Халқ депутатлари область советининг ижроия комитети қарор қилади:

1. Халқ депутатлари XVI чақириқ область советининг V сессияси 1978 йил 29 майда Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Халқ депутатлари область советининг кун тартибига қуйидаги масалалар кўриб чиқиш учун ҳавола этилсин:

— Атроф муҳитни муҳофаза этиш юзасидан Ўзбекистон ССР қонунчилиги талабларини бажариш бўйича халқ депутатлари маҳаллий советларининг вазифалари тўғрисида.

— Область судига сайловлар тўғрисида.

— Депутатлик бурчи, совет қарорлари ва топшириқларини бажариш юзасидан халқ депутатлари область советининг депутатлари У. В. Муслимов ва З. Е. Карпенко ўртоқларнинг ахборотлари.

2. Сессияга область бўлим ва бошқармаларининг, халқ депутатлари шаҳар, район, қишлоқ ва посёлка советлари ижроия комитетларининг раислари, шунингдек айрим корхоналар, колхозлар ва совхозларнинг область Совети депутати бўлмаган раҳбарлари таклиф этилсин.

Тошкент область ижроия комитетининг раиси
П. ЮСУПОВ.

Тошкент область ижроия комитетининг секретари
Х. УМАРОВ.

1978 йил, 12 май.
Тошкент шаҳри.

ЖАНГОВАР ЙИЛЛАРНИНГ ЁРҚИН САҲИФАЛАРИ

Коммунистик район марказидаги Маданият уйи одатдагидан ўзгача безатилган. Қаёққа қараманг, турли албомларга кўзингиз тушади. Маданият уйига кираверишда Кичик ер харитаси осиб қўйилган. Ундаги ажойиб тасвирлар кишн кўзини қувонтиради.

Районнинг илғор меҳнаткашлари, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, Кичик ер жангчилари иштирок этган собиқ жангчилар, партия, совет, хўжалик органларининг ходимлари ана шу муҳташам бинога КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Кичик ер» ҳамда «Тикланиш» асарларидан олган чуқур таассуротларини ўзаро ўртоқлашиш учун йиғилишган.

Конференцияни район партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири Йўлдош Азизов қисқача кириш нутқи билан очиб, дастлабки сўзни район партия комитетининг секретари Гулчеҳра Алимовага беради. Г. Алимованинг «Кичик ер» асари ҳақидаги ҳикоясини залга тўпланганлар ҳаяжон билан тингладилар.

Улуғ Ватан уруши қатнашчилари Дадаш Эрматов, Восиқ Фаттоҳовлар минбарга кўтарилганларида залда гулдурос қарсаклар узоқ давом этди. Уларнинг Кичик ерда бўлиб ўтган жанг хотиралари ҳақидаги ҳикоялари ўтирганларда катта таассурот қолдирди.

Шундан сўнг шоир Сайёр жангчилар ҳаётига бағишланган «Ёлғиз берёзка» номли, Юрий Ковалев эса «Қизил асфальт ҳақида баллада» номли шеърларини ўқиб бердилар.

Конференция охирида «Аннючка» номли кинофильм намойиш қилинди.

М. АЛИМАТОВА.

Тошкент область китобсеварлар жамиятининг лекция пропагандаси бўйича масъул ходими.

ЎҚУВ ЙИЛИНИ ЮКСАК САВИЯДА ТУГАЛЛАЙЛИК

ПАРТИЯ, комсомол ва иқтисодий ўқув системасида масъулиятли давр бошланди: ўқув йили тугалланиб бормоқда.

Мазкур ўқув йили алоҳида аҳамиятга эга бўлди. У мамлакатимиз ҳаётида ажойиб воқеалар — Улуғ Октябрь 60 йиллиги байрами, СССР янги Конституцияси ва Ўзбекистон ССР Конституцияси қабул қилиниши даврига тўғри келди.

Ўқув йилининг энг муҳим хўсусияти шундан иборат бўлдики, унда тингловчилар тарихий партиявий ҳужжатларни — ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Улуғ Октябрь ва инсоният тараққиёти» докладини, КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1977 йил) Пленуми қарорларини пухта ўргандилар. Шунингдек, ўқув йили коммунистлар ва партиясизларнинг КПСС XXV съезди материалларини чуқур ўрганишга катта қизиқиш билан қараганликлари билан характерланади. Бундан қуйидаги мисол далолат бериб турибди: партия маорифи системасидаги тингловчиларнинг 90 проценти съездга бағишланган мавзуни ўқув йили сўнггига материалларини ўрганмоқдалар.

Май ойининг иккинчи ярмидан то 15 июнгача область партия ташкилотларида ҳамма жойда якунловчи машғулотлар ўтказилади. Партия маорифи системасида 358 мингдан кўпроқ, комсомол сиёсий маориф системасида 90 мингдан кўпроқ, иқтисодий таълим системасида 356 минг киши ўқуви тугаллайди.

Якунловчи машғулотларда тингловчилар билим савиясига объектив равишда баҳо бериш, олинган билимларни системага солиш, мустаҳкамлаш билан бирга уларни таҳлил қилиш ҳам лозим. Ўқув жараёнида тингловчилар томонидан билдирилган таклифлар қандай амалга оширилганлигитаҳлил этилса, бу келаси йил ўтказиладиган машғулотлар таъсирчанлигини оширишда ёрдам берган бўлур эди.

Партия ташкилотлари ҳозиргидаёқ пропагандистлар билан биргаликда якунловчи машғулотларнинг формаси, мавзу доираси ва муддатларини белгилаб олишлари даркор. Муҳокама қилинадиган мавзуларни ҳар бир тингловчига етказиш, ўқув йили якунловчи машғулотларини юксак ғоявий савияда ўтказишда уларга ёрдам бериш зарур. Энг мураккаб назарий ва сиёсий масалалар бўйича ҳозиргидаёқ группалар бўйича консультациялар, қўшимча машғулотлар ўтказиш, адабиётларни мавзулар бўйича обзор қилиш, хроникал ҳужжатли фильмларни намойиш этиш даркор.

Якунловчи машғулотларда ўқув курслари, программаларидаги энг асосий масалаларни қараб чиқиш тавсия этилади. Ана шу масалаларни Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига бағишланган ҳужжатлар, СССР Конституцияси, Ўзбекистон ССР Конституцияси, Л. И. Брежневнинг «Кичик ер» ҳамда «Тикланиш» асарлари билан чамбарчас боғланган ҳолда муҳокама этиш мақсадга мувофиқдир.

Якунловчи машғулотларнинг ғоявий савияси, мазмуни кўп жиҳатдан пропагандистларга боғлиқ. Шунинг учун ҳам ана шу масалаларни пропагандистлар билан биргаликда семинарларда, конференцияларда муҳокама қилиш лозим.

Мазкур ўқув йилида кўпгина бошланғич сиёсий мактабларда, марксизм-ленинизм асослари мактабларида, назарий семинарларда, коммунистик меҳнат мактабларида КПСС XXV съезди материаллари бўйича ўқув курсларини ўрганиш тугалланади. Шунинг учун ҳам якунловчи машғулотларда съезддан кейинги ўтган икки йил давомидаги ўқув машғулотлари умумлаштирилади.

Партия, комсомол ўқуви системасининг бошланғич звеносида асосий темаларнинг бири бўйича ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, «КПСС тарихининг актуал масалаларини» ўрганувчи бошланғич сиёсий мактабларнинг биринчи ўқув йили сўнггига машғулотларида «Тинчлик ва халқаро ҳамкорлик, озодлик ва мустақиллик учун бундан буёнги курашнинг программаси», иккинчи ўқув йилини тугаллашда эса «Ҳозирги шароитда партиянинг ғоявий, тарбиявий иши» масалалари бўйича суҳбат ўтказилади.

«Ривожланган социализм Конституцияси» курсини ўрганувчилар «Давлат ва шахс» мавзуини ўрганадилар. Марксизм-ленинизм асослари мактабларида биринчи ўқув йили якунловчи машғулотларида «Ҳозирги босқичда КПСС иқтисодий сиёсати», XXV съезд материалларини ўрганаётган худди шундай мактаблар иккинчи ўқув йилининг якунловчи машғулотларида «Партия ривожланган социализм шароитида» темалари бўйича суҳбат ўтказилади, «КПСС XXV съезди совет жамияти сиёсий системаси ва социалистик демократияни ривожлантириш тўғрисида» мавзуи бўйича назарий конференция ўтказилади.

Олий звенода назарий конференциялар ва суҳбатлар ўтказиш якунловчи машғулотларнинг асосий формаси бўлади. Марксизм-ленинизм университетларида, партия-хўжалик активи мактаби ва семинарларида тингловчилар имтиҳон топширишади, диплом ишлари рефератларни ҳимоя қилишади. Юқорида саналган мавзулар, конференциялар, назарий рефератларнинг саволлари газеталарнинг кейинги сонларида эълон қилинади.

Ўқув йилига якун ясалар экан, «Пропагандист — беш йилликка» ҳаракатини ривожлантириш, шунингдек пропагандист шахсий ижодий планини тузиш ва амалга ошириш, муқобил план ва социалистик мажбуриятларни ишлаб чиқишда тингловчиларга ёрдам кўрсатиш борасида тўпланган тажриба таҳлил қилинади. Пропагандистларнинг ана шу йўналишда олиб борган ишларига «Пропагандист — коммунизмнинг ғоявий эътиқодли, фаол курувчилари тарбиячиси» мавзуида ўтказиладиган область методик конференциясида якун ясалади.

Якунловчи машғулотларда келгуси ўқув йилида марксча-ленинча таълим системасини комплектлаш иши олиб борилади. 1978—1979 ўқув йили КПСС XXV съезди материаллари, марксизм-ленинизм классикларининг асарларини, Л. И. Брежнев докладлари ва нутқларини янада чуқур ўрганиш йили бўлади.

Ўқув курсларини тугаллайдиган ўртоқлар учун бошланғич ва ўрта звенода икки йиллик «Ривожланган социализм конституцияси», олий звенода «СССР Конституцияси. Назария, сиёсат масалалари» курсини ўрганиш тавсия этилади. Иқтисодий таълим системасида систематик курсларни, КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми қарорлари асосида ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш тажрибасини ўрганиш давом эттирилади.

Ўқувга якун ясаш — амалга оширилган барча ишни ҳар тарафлама таҳлил қилиш, партия комитетлари КПСС Марказий Комитети «КПСС XXV съезди қарорлари асосида партия ўқувининг вазифалари тўғрисида» чиқарган қарорини бажариш борасида тўпланган энг яхши тажрибани умумлаштириш, камчиликларни аниқлаб, уларни бартараф этиш тадбирларини белгилаш, демакдир.

З. М. КОНОПКО.
Область партия комитети Сиёсий маориф уйининг мудири.

ПАРТИЯ ВА ХАЛҚНИНГ ҒОЯВИЙ ҚУРОЛИ

Катта зал бу кун одамлар билан гавжум. Кўкраклари орден ва медалларга тўла Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветеранлари залга кириб келишади. Улар она-Ватанимизни тиш-тирноғигача қуролланган немис-фашистларидан жон олиб, жон бериб ҳимоя қилган, бу кунги фаровон турмушимиз учун курашган марду-майдонлар тинч қурилиш даврида бунёдкорлик ишларини олиб борган жасоратли кишилардир. Улар КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Леонид Ильич Брежневнинг «Кичик ер» ва «Тикланиш» асарларига бағишланган китобхонлар конференциясига ташриф буюришган.

Конференцияни Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, Янгийўл район партия комитетининг биринчи секретари А. П. Алимов кириш сўзи билан очди. У «Кичик ер» ва «Тикланиш» совет халқининг социализм ва коммунизм қуришдаги курашининг қаҳрамонлик йилномаси эканлиги, барча ғалабаларимизнинг ташкилотчиси ва илҳомчиси Коммунистик партиянинг куч-қудратини ифодаловчи асарлар эканлигини таъкидлади.

Киши қалбини ҳаяжонга солувчи юксак даражада ёзилган бу асарлар партиясиёсий ишларимизни ўзида мужассамлаштирган бир жавоҳирдир. Ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг эсдаликлари совет кишиларини коммунистик руҳда тарбиялаш ва бу ишни янада такомиллаштиришда жуда катта имкониятларни очиб беради.

Китобхонлар давримизнинг буюк партия ҳамда давлат арбобининг Улуғ Ватан уруши ва тинч қурилиш йилларига бағишланган икки асарини зўр қониқиш билан ўқиганликларини қайта-қайта изҳор этдилар.

18-армия составида — «Кичик ер»да жанг қилган ҳозирда Тошкент политехника институтининг кафедра мудири, полковник Б. П. Зайцевнинг нутқи йиғилиш қатнашчиларида чуқур таассурот қолдирди. Б. П. Зайцев «Кичик ер» асаридаги кўпгина воқеаларнинг шоҳидидир.

— «Кичик ер»да, — деди у, — совет халқининг жасорати, юксак маънавий бойлиги, Коммунистик партияга содиқлиги, коммунистик келажакка интилиши, шу билан бирга Октябрь революцияси ғалабаларини ҳимоя қилишга доимо тайёр эканлиги ёрқин ифодаланган-ки, шубҳасиз бу ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда мактаб ролини ўтайди.

Ҳақиқатан бу асарлар совет халқининг Улуғ Ватан урушида кўрсатган мислсиз жасорати ва мардлиги, душман томонидан вайрон этилган халқ хўжалигимизнинг тикланиши ҳақида ҳикоя қилувчи ҳаққоний ва тўла қонли китоблардир. Муболағасиз айтиш мумкинки, «Тикланиш» партия ходимларига хўжаликка партиявий раҳбарликнинг қандай бўлиши ҳақида йўл кўрсатувчи қўлланма деса бўлади.

Китобхонлар конференциясида сўзга чиққан Улуғ Ватан уруши қатнашчилари Ҳ. Турсунқулов номли колхоз партия ташкилотининг секретари Б. Султонов, консерва заводи слесари Г. К. Тюш, район ҳарбий комиссари А. Қосимов, 45-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Ф. Алиқулова ва бошқалар иккала асарни ҳаяжон ва қониқиш билан ўқиб чиққанликларини билдирдилар.

Район меҳнаткашлари ўнинчи беш йилликнинг учинчи йилида ҳар гектар ердан 40 центнердан пахта ҳосили олиб, 40 минг тонналик хирмон уюшга, саноатчилар йил охиригача пландан ташқари 2 миллион 400 минг сўмлик маҳсулотни реализация қилишга сўз беришган.

Китобларда тасвирланган жанговар воқеалар ҳар бир китобхонни ўнинчи беш йилликда яна юксак унум билан меҳнат қилиш, партия қўйган улуғвор режаларни сўзсиз бажаришга ундамоқда.

ИЛҲОМБАХШ АСАРЛАР

Куни кеча Оққўрғон райони идеология ходимларининг конференцияси бўлиб ўтди. Конференция қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг «Кичик ер» ҳамда «Тикланиш» асарларини чуқур ўрганиш ва меҳнаткашларни ғоявий-сиёсий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда район идеология ходимларининг олдида турган вазифаларни муҳокама қилдилар.

Конференцияда сўзга чиққан нотиқлар таъкидладиларки, Леонид Ильич Брежнев асарлари сафарбар этувчи ва тарбияловчи катта кучга эга бўлган ҳужжатлардир. Совет кишилари коммунистчасига яшаш ва ишлашни шу асарлардан ўрганадилар.

Э. ТЎЛАГАНОВ.

ХИЗМАТ МАДАНИЯТИ ЭЪТИБОРДА

Оққўрғон аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комбинати ходимлари асосий эътиборни хизмат маданиятини юксалтиришга қаратмоқдалар. Ҳозир комбинатга қарашли 5 та тикувчилик цехи, 23 та сартарошхона, 10 та суратхона, 3 та қабул пункти, жами 45 та маиший хизмат дўконлари ва устахоналари аҳолига намунали хизмат қилмоқда. Шулардан 5 таси, яъни «Ленинобод» колхозидаги тикувчилик цехи, суратхона, сартарошхона, Охунбобоев номли колхозидаги сартарошхона, район марказидаги темир буюмлар тайёрлаш устахонаси қурилиб ишга туширилгандан сўнг аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳажми бир йилда 89 минг сўмга кўпайди.



УЗБЕКИСТОН ССР автотранспорт министрлигига қарашли 8-тажриба ремонт механика заводида рационализаторлар группаси ишлаб турибди. Рационализатор ва ихтирочиларнинг таклифлари ишлаб чиқаришга жорий қилингач, корхона ҳар йили минглаб сўм фойда кўрмоқда. Суратда: илғор рационализаторлар А. Муравский, К. Зодорин, В. Новокшенов ва В. Козюбовскийларни кўриб турибсиз.

М. Нурмуҳаммедов фотоси.

ХАЛҚ ИЖОДИ САРЧАШМАСИ

МАДАНИЯТИМИЗНИНГ мисли кўрилмаган даражада гуллаб-яшнаши совет турмуш тарзининг характерли хусусиятидир. Социализм оммага маънавий бойликлар сари кенг йўл очибгина қолмай, кишиларни ана шу бойликларнинг бевосита яратувчилари бўлишларига ҳам имкон берди. Партия халқ талантлари кўплаб етишиб чиқиши тўғрисида доимо ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг халқ бадиий ижодиётини янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида қабул қилган қарорида Коммунистик партиянинг совет халқи маънавий бойлигини ўстириш йўлидаги ғамхўрлиги яққол кўриниб турипти.

Қарийб уч йил давом этган ва Улуғ Октябрь социалистик революцияси 60 йиллиги арафасида ниҳоясига етган меҳнаткашлар бадиий ҳаваскорлик ижодиётининг биринчи Бутуниттифоқ фестивали чинакам халқ талантлари етишиб келаётганлигининг ёрқин далили бўлди. Ватанимиз ижтимоий ва маданий ҳаётидаги бу ёрқин ва жуда йирик байрамнинг СССР янги Конституцияси лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси ва Бахтимиз Қомусининг СССР Олий Совети сессиясида якдиллик билан қабул қилинган пайтда бўлиб ўтганлиги ҳам диққатга сазовордир. Ҳаётимизнинг янги Асосий Қонуни социалистик жамиятнинг маданият соҳасида эришаётган ютуқларини янг бир марта кўрсатиб берди. Маданият ва санъат соҳасидаги ҳуқуқлар давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг совет кишилари санъат билан шуғулланишлари учун моддий базани ривожлантириш, мутахассис кадрлар тайёрлаш, махсус адабиётлар нашр эттириш тўғрисидаги ғамхўрлиги, ҳаваскорлик тўгараклари қатнашчиларининг моддий ва маънавий рағбатлантирилишида намоён бўлади.

Бу оммавий ижодий мусобақанинг самарали натижаларини областимиз шаҳар ва районлари мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Кейинги уч йил ичида клуб ва қизил бурчаклар 70 тага, бадиий ҳаваскорлик коллективлари 1470 тага, унда қатнашувчилар сони эса 26 минг кишига ошди. Ҳозир 132 клуб, 2520 қизил бурчакда 4700 хор, театр, музика, хореография ва бошқа ҳаваскорлик коллективлари, ансамблар, студиялар ишлаётган Оржоникидзе район тил-адабиёт ўқитувчилари даврасида, кейин эса область педагоглари даврасида ўқиган «Она тили дарсларида эстетик тарбия» мавзуидаги доклади кўпчиликда зўр қизиқиш уйғотди ва у ўқишларида ҳам яхши баҳо олди.

Моҳир муаллимнинг келгуси режалари ҳам порлоқ. У ёш авлодни тарбиялаш, билим бериш, уларни давримизга муносиб кишилар қилиб тарбиялаш йўлида янги-янги режаларни белгиламоқда...

Ҳ. АЛИМОВ.

Тошкентдаги иккинчи пойафзал фабрикасида аёллар ва эркакларнинг мавсумий пойафзалларини тикадиган янги линия ишга туширилди. Суратда: янги линияда ишлаётган пешқадам ишчи Ғафур Иўлдошев.

И. Глауберзон, В. Сироткин фотоси.



МУАЛЛИМА

УНИНГ атрофини бир гуруҳ ўқувчилар ўраб олишган. Улар муаллимага турли саволлар билан мурожаат қилишади.

— Энди нима қиламиз, кечамизнинг бадиий қисми жуда оз бўлиб қолди-ку,— Назима куйиниб гапирарди.— Яна бир-иккита ўйин киритсак нима қилади?

— Ҳамма номерлар ҳисобланган, ўз меъёрида бўлиши лозим. Акс ҳолда кеча зерикарли чиқиб қолади.

Гап дружина сборида отряд томонидан махсус тайёрланган «Ватанимизнинг жасур посбонлари» мавзуидаги адабий-музикали монтаж ҳақида бормоқда эди. Синфнинг актив ўқувчилари синф раҳбари Тамара Полвонованинг йўл-йўриқларини диққат билан тинглашмоқда...

Дарҳақиқат, шоили Совет Армиясининг 60 йиллигига бағишлаб ўтказилган бу отряд сбори бутун мактаб коллективига манзур бўлди. Унга Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, Курск жанги иштирокчиси Ваҳоб Ҳамидов, Сталинград жангида қатнашган Исмоил Ҳакимжоновлар таклиф қилинди. Улар суроили фронт йилларининг даҳшатлари, ўзлари гувоҳи бўлган жанг лавҳаларини ҳикоя қилиб бердилар.

Тамара Полвонова раҳбарлик қилаётган 6-«Б» синфнинг ўзига ҳос характери борки, уларнинг бундай намунали тадбирлари тўғрисида яна кўплаб гапириш мумкин.

17 йиллик педагогик стажга эга бўлган Т. Полвонова мактабда тил-адабиётдан дарс беради. У ҳар бир дарснинг мароқли ва мазмунли ўтиши учун ҳаракат қилади ва бу мақсад йўлида тинмай ўз устида ишлайди.

— Фақат дарсликлардан фойдаланиб, шунинг ўзинигина ўқувчиларга етказиб бераман, деган ўқитувчи хато қилади,— дейди муаллима.—Ҳозирги замон педагоги давр руҳи билан ҳамқадам бўлиши, дунёда юз бераётган сиёсий воқеалардан хабардор бўлиши ва буларни маълум доирада ўқувчиларга етказиб бериши зарур. Шунингдек, ўзи дарс берадиган фан бўйича энг сўнгги янгиликлар билан газета-журналлар орқали танишиб бориши даркор. Йўқса, у ўқитувчининг ўз иши ўзига ҳам ниҳоятда зерикарли бўлиб қолади.

Тамара Полвонованинг ўқувчилари ҳурматини қозонганлиги мана шу фикрларига амал қилишида бўлса керак. У ҳар бир ўқувчини ўз ортидан эргаштира олади, ҳар бир ўқувчининг ўзига хос нуқсонларини ва фазилатларини яхши билади ва шунга яраша муомала қилади.

Ўқитувчининг ўз устида ишлаб тўплаган бой тажрибаси ҳамиша қўл келади. Т. Полвонованинг синфидаги 25 ўқувчининг 19 таси фақат «яхши» ва «аъло» баҳолар билан ўқимоқда. Н. Жалилова, Н. Раҳимова, З. Тўлабоева, М. Маҳкамова, М. Самсоқова каби аълочи ўқувчилар фақат синфнинг эмас, бутун мактабнинг фахри.

Оржоникидзе районидаги Беруний номли 32-мактаб коллективи бу моҳир муаллима номини ҳурмат билан тилга олади. Унинг узоқ йил давомида орттирган бой тажрибаси бу йил жуда қўл келди. Т. Полвонованинг аввал ўзи ишлаётган Оржоникидзе район тил-адабиёт ўқитувчилари даврасида, кейин эса область педагоглари даврасида ўқиган «Она тили дарсларида эстетик тарбия» мавзуидаги доклади кўпчиликда зўр қизиқиш уйғотди ва у ўқишларида ҳам яхши баҳо олди.

Моҳир муаллиманинг келгуси режалари ҳам порлоқ. У ёш авлодни тарбиялаш, билим бериш, уларни давримизга муносиб кишилар қилиб тарбиялаш йўлида янги-янги режаларни белгиламоқда...

Ҳ. АЛИМОВ.

БИНОКОРЛАР БЕШ ЙИЛЛИК ВАХТАСИДА

Қолоқларсиз ишлаймиз

ТОШКЕНТ шаҳри қурилиши бош бошқармасига қарашли 3-қурилиш трестининг бинокорлари, инженер-техник ходимлари янгийўлликлар ташаббусига қўшилишиб, қолоқларсиз ишлашга аҳд қилишди. Шу кунларда трестнинг еттита бригадасига бирлашган 132 нафар қурувчи ва монтажчилар янгийўлликларнинг «Сафимизда бироита ҳам қолоқ бўлмасин!» ватанпарварлик ташаббуси бўйича меҳнат қилишяпти.

Ташаббус издошларидан 30-қурилиш бошқармасининг А. Шокиров, 16-қурилиш бошқармасининг Т. Амирхонов, 44-қурилиш бошқармасининг И. Қосимов ва Н. Бахис раҳбарлигидаги бригадалари аъзолари сифатли ва унумли ишлашлари туфайли барча ҳамкасбларига ўрнак кўрсатишмоқда.

Трестда москвалик ишлаб чиқариш илғорларининг СССР янги Конституцияси қабул қилинган кунининг бир йиллигигача беш йилликнинг уч йиллик план топшириқларини бажариш тўғрисидаги қимматли ташаббуси ҳам қизғин қўллаб-қувватланган. 5-қурилиш бошқармасининг А. Зотов, Б. Федислямов ва В. Гергенгрейдер бошчилик қилаётган бригадаларининг аъзолари айни кунларда иш вақтидан унумли фойдаланишиб, беш йиллик учинчи йилининг сўнгги ойлари ҳисобига меҳнат қилишмоқда.

Н. АБДИЕВ.



Бу йил баҳор серёғин келганлиги туфайли қир ва яйловларда табиий ўтлар гуркираб ўсди. Бундай имконият-дан оқилона фойдаланаётган илғор чорвадорлар икки-уч йиллик пичан жамғаришга киришдилар. Ғалаба район-ондаги «Коммунизм» совхозида махсус бригадалар табиий ўтларни ўриш, ғарамлаш ишлари билан шуғулланмоқдалар. Механизаторлар фермага ҳар кун 50—60 тонна кўк ем ташиб келтиришаётир. Суратда: илғор механизаторлардан [чапдан ўнгга] Ҳамид Абдуллаев, Раҳим Сиддиқов ва Ҳайитбой Бойматов ўртоқлар.

И. Зайнутдинов фотоси.

МАҲАЛЛАДА ТАНТАНА

СОВЕТ халқининг Улуғ Ватан урушида, озодлик урушида ғалаба қозонганига, жаҳондаги миллионлаб халқлар бошига мисли кўрилмаган жабру жафо солган фашизмни яксон қилганига 33 йилдан ошди. Ўттиз уч йилдирки, жонажон Ватанимиз осмонида тинчлик юлдузлари порламоқда, тинчлик кабутарлари қанот қоқмоқда. Мана шу беғубор осмон остида жасоратли халқимиз бунёдкорлик меҳнати билан машғул бўлиб, бу меҳнатнинг самарасидан, нашъу — намосидан ўзлари баҳраманд.

Бунёдкорлик тушунчаси Тошкент ва тошкентликлар учун алоҳида мазмун касб этади. Табиий офатдан сўнг бунёд бўлган ўнлаб янги массивлардан бири — Октябрь районидаги «Марказ-27» массивидир. Ўтган юбилей йилида бу ерда фойдаланишга топширилган 60 квартирали экспериментал турар-жой бинои барчага манзур бўляпти. Кўп болали оналарга мўлжаллаб қурилган 6—7 хонали квартираларнинг ҳар бирида 90 квадрат метр саҳни балкон — ҳовлиларнинг борлиги айниқса диққатга сазовордир. Унинг ёнида эса 54 квартирали 9 қаватли уй кўкка бўй чўзиб турибди.

Бу 13- ва 14-уйларда истиқомат қилаётган оилалар яшаш учун яратилган барча қулайликлардан миннатдор бўлмоқдалар. Иккала уй аҳолисидан ташкил топган янги маҳаллада ўтказилган тантанали кечада ана шу миннатдорчилик, шоду—хуррамлик руҳи сезилиб турди.

Иккала уй оралиғидаги майдонга катта жой қилинди. Кечага юздан ортиқ киши тўпланди. Кечага таклиф этилган А. Навоий номли адабиёт музейининг илмий ходимлари филология фанлари кандидатлари М. Ҳакимов ва С. Асқаровларнинг совет халқининг жанг ва меҳнат майдонидаги жасоратини ҳикоя қилувчи докладлари қарсаклар билан кутиб олинди. Шу маҳаллада истиқомат қилувчилардан СССР халқ артисти Лутфихоним Саримсоқова, ЎзССР халқ артисти Жўра Тожиев ва бошқаларнинг чиқишлари барчани мамнун этди.

Тантанали кечани ташкил этишда маҳалла активлари Ғафур Мўминов, Мурод Мухторов ва бошқаларнинг хизмати катта бўлди.

О. ҲАБИБОВ.

БЎЛАЖАК МЕХАНИЗАТОР ҚИЗЛАР

21-қишлоқ ҳунар-техника билим юрти Оржоникидзе районидаги йирик кадрлар ўчоқларидан биридир. Бу ерда чорвачилик фермалари учун кичик ветеринар-фельдшерлар, механизаторлар тайёрланади. Шу билан бирга мева-сабзавотчилик бўйича бўлажак мутахассис кадрлар, кенг ихтисосли тракторчи-машинистлар ҳам таҳсил кўришади.

Яқинда билим юртига областимиз хўжаликларидан келган 120 қиз қабул қилинди. Улар 6 ой ўқиганларидан сўнг, механик-ҳайдовчилик касбини эгаллаб қайтадилар. Зарбдор йилда республикамизнинг 5 миллион 550 минг тонналик «оқ олтин» хирмонига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Қизлар яқинда мамлакатимизнинг таниқли механизатори, Ленин мукофоти лауреати, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунованинг мактабида бўлдилар. Улар «Зангори кема»да қўплаб пахта териш «сир»лари билан таништирдилар.

Билим юртида ёш мутахассисларнинг пухта билим олишлари учун барча шароитлар яратилган.

И. НЕЪМАТОВ.

ҒАЗАЛКЕНТ МАГИСТРАЛ КАНАЛИ

Каналнинг узунлиги 144 километр. Секундига 62 куб метр сув оқади. Оқимнинг тезлиги секундига 1,40 метр.

Бу канал орқали Келес массивидаги 17,7 минг гектар ер сугорилади. Улкан Чорвоқ сунъий денгизи бунёд этилаётганда ундан йиғиладиган сувдан республикамиздагина эмас, балки қардош Қозоғистон ССРнинг жанубий районлари ҳам фойдаланиши кўзда тутилган эди. Ғазалкент магистрал каналининг қурилишидан кўзланган мақсад ҳам ана шу. Бу канал юқорида айтилгандек, Чимкент областидаги минглаб гектар ерларни оби-ҳаёт билан таъминлайди.

Каналнинг бошланиш қисмини Чимкентдаги «Южводстрой» трестига қарашли механизациялашган 39-кўчма колонна коллективи қурапяпти. Кейинги ПК-Одан ПК 3940 гача бўлган оралиқни эса шу трестнинг механизациялашган 21-кўчма колоннаси азамат қурувчилари бунёд этишяпти. М. Алимбеков бошлиқ бу колонна ўз объектида 4 миллион сўмлик тупроқ қазиш ишларини бажаради. Бу ҳақда бизга ёш мастер Абдутолиб Ерембетов қисқача сўзлаб берди:

— Об-ҳавонинг инжиқликларига қарамай, участкамизда иш кўнгилдагидек бормоқда. Шу кунларда 5 та экскаватор ва 2 та бульдозер икки сменада ишлаб турибди. Айниқса, 6-разрядли экскаваторчилар Эргаш Пармонов ва Андрей Лукинлар кунлик иш нормаларини 125—130 процентга етказиб бажаришиб, бошқаларга ўрнак бўлишяпти.

Магистрал канал қурилиши авж олмоқда. Бу канал 1976 йилда Жамбулдаги гидро-мелиоратив қурилиш институтини битирган ёш мутахассис Абдутолиб Ерембетовнинг биринчи энг йирик объекти. У, участка бошлиғи И. Исҳоқов ва кекса прораб Н. Сахноларнинг бу соҳадаги кўп йиллик тажрибаларини қунт билан ўрганяпти.

Халқимизда «Сув келтирган, элда азиз» деган мақол бор. Канал 1980 йилларга бориб ишга тушади. Шунда барча қурувчилар сингари шарафли касб эгаси Абдутолиб ҳам элнинг олқишига сазовор бўлиши шубҳасиз.

А. РАҲИМБЕРДИЕВ.

ПАРРАНДАЧИЛИК, ИХТИСОСЛАШТИРИШ, САМАРА

КЕЙИНГИ йилларда республикамизда паррандачиликни ихтисослаштириш, саноат асосида ривожлантириш соҳасида катта ишлар амалга оширилди. Айниқса, 1964 йилда республикамизда «Птицепром» ташкил этилгандан сўнг бу соҳадаги ишларнинг самарадорлиги кўзга яққол ташлана бошлади. Ҳозирги пайтда «Ўзптицепром» системасида 36 та корхона ишлаб турибди. Булардан 18 таси тухум етиштиришга, 7 таси парранда гўшти етиштиришга ихтисослаштирилган, олтита завод, фабрикада эса наслчилик ишлари олиб борилмоқда. Ўтган йили Ўзбекистон паррандачилик корхоналари коллективлари 552 миллион дона тухум, 15,5 минг тонна гўшт етиштиришга муваффақ бўлдилар. Бу ундан аввалги йилдагига қараганда анча кўпдир. Давлатга тухум ва гўшт топшириш планлари ошириб бажарилди. Пландан ташқари 15 миллион дона тухум ва 160 тонна парҳез гўшт етказиб берилди. Ҳар бир товуқдан пландаги 183 ўрнига 187 тадан тухум олинди. Жўжа очириш ва колхоз-совхозларга етказиб бериш планлари ҳам муваффақиятли адо этилди.

Республика паррандабоқарлари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактуби асосида меҳнат қилиб, беш йилликнинг учинчи йилида янги марраларни эгаллаш, паррандачиликни ихтисослаштириш соҳасида янги тадбирларни амалга ошириш учун курашмоқдалар. «Ўзптицепром» бошлиғининг биринчи ўринбосари Т. В. ҒАНИЕВ мухбиримизга бу ҳақда қуйидагиларни ҳикоя қилиб берди:

— ПАРРАНДАЧИЛИКНИ ихтисослаштириш чиндан ҳам қувончли ютуқларга эришиш имкониятини бермоқда. Ҳозирги кундаги муҳим вазифа — ишлаб чиқаришга илғор фан ютуқлари ва тажрибаларни дадил жорий этиш, меҳнат жараёнларини механизациялашни такомиллаштириш асосида паррандаларнинг маҳсулдорлигини тинмай ошира бориш, тухум маҳсулот таннархини камайтиришдан иборатдир.

Ўтган йили бу соҳада Тошкент области паррандачилик хўжаликларининг коллективлари фидокорона меҳнат намуналарини кўрсатдилар. Областда тухум етиштириш плани 106 процент бажарилди, давлатга 204 миллион дона тухум етказиб берилди. Бу халқ хўжалик планида кўзда тутилганидан 10 миллион дона кўпдир. Ҳозирги кунда «Ўзптицепром» системаси бўйича товуқлардан олинаётган тухумларнинг 39 проценти Тошкент области зиммасига тўғри келмоқда.

Областдаги кўпгина паррандачилик корхоналари ўз ишларини социалистик мусобақа асосида ташкил этиб йил сайин яхши кўрсаткичларга эришмоқдалар. Партия, совет, қишлоқ хўжалиги органлари оммавий-сиёсий, ташкилий ишларнинг асосий моҳиятини иш сифати ва самарадорлигини оширишга қаратмоқдалар. Наслчилик ишлари яхшиланмоқда, маҳсулот бирлигига сарфланадиган моддий ва пул харажатлари камайиб бормоқда. Ихтисослаштирилган хўжаликларнинг ходимлари ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатдан юқори кўрсаткичларга эришиш учун тобора ғайрат қилмоқдалар. Партия, совет, қишлоқ хўжалиги органлари оммавий-сиёсий, ташкилий ишларнинг асосий моҳиятини иш сифати ва самарадорлигини оширишга қаратмоқдалар. Наслчилик ишлари яхшиланмоқда, маҳсулот бирлигига сарфланадиган моддий ва пул харажатлари камайиб бормоқда. Ихтисослаштирилган хўжаликларнинг ходимлари ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатдан юқори кўрсаткичларга эришиш учун тобора ғайрат қилмоқдалар. Бу жиҳатдан Бўстонлиқ паррандачилик фабрикаси иш тажрибаси ибратлидир. Улар 1978 йилда тухум, парранда гўшти етиштиришни кўпайтириш бўйича муҳим тадбирларни белгиладилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бу фабрика коллективининг 1978 йилда паррандачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш бўйича зиммага олган социалистик мажбуриятларини маъқуллади.

Фабрика коллективи эришаётган ютуқларга назар ташлаймиз. Агар 1975 йилда фабрика бўйича 24,3 миллион тухум ва 323 тонна гўшт етиштирилган бўлса, 1976 йилда 34,5 миллион дона тухум, 572 тонна гўшт, 1977 йилда эса 55,8 миллион дона тухум, 749 тонна гўшт етиштиришга муваффақ бўлинди.

Корхона коллективи бундай юқори кўрсаткичга ишлаб чиқаришга прогрессив технология, илғор методларни жорий этиш, меҳнатни тўғри ташкил этиш, ветеринария-профилактика тадбирларини изчиллик билан амалга ошириш, ишлаб чиқаришни истиқболли план асосида юритиш, барча ишлаб чиқариш қувватларидан оқилона фойдаланиш, ниҳоят коллектив ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик, аҳиллик, меҳнатга онгли муносабат сингари ажойиб фазилатларни барқарор топтириш туфайли эришилмоқда. Бу ерда ўзаро социалистик мусобақа — резервлардан, имкониятлардан тўла фойдаланиш, илғорлар сафини кенгайтириш, уларнинг иш тажрибалари пухта ўрганиб оммалаштиришда катта роль ўйнаётир.

Пешқадам корхона коллективи беш йилликнинг зарбдор йилида зарбдорчасига меҳнат қилаётир. Улар бу йил кам деганда 75 миллион дона тухум ва 780 тонна парранда гўшти етиштириш учун курашни авж олдириб юборишди. Дастлабки натижалар салмоқли. Корхона паррандабоқарлари тухум ва гўшт етиштириш квартал планини оширибгина бажардилар. Шу кунларда ярим йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун ўзаро мусобақа авж олдириб юборилган.

Тошкент паррандачилик фабрикаси, «Қорасув» давлат наслчилик-паррандачилик заводи коллективлари ҳам беш йилликнинг учинчи йилида ўз зиммаларига юклатилган вазифани шараф билан бажариш, ўтган йилги ютуқларни мустаҳкамлаш, янги марраларни эгаллаш учун курашмоқдалар. Мазкур корхоналарда паррандалар боқиладиган хоналарда мўътадил иқлим шароити вужудга келтирилганлиги туфайли ҳам йилига ҳар бир товуқдан 210—230 тадан тухум олинмоқда.

Беш йилликнинг учинчи йилида республикамизда парранда гўшти етиштириш 20 минг тоннага, тухум етиштириш 700 миллион донага етказилади.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг парранда гўшти етиштиришни янада кўпайтириш тўғрисидаги қарори асосида катта ишлар олиб борилади. Мавжуд корхоналар реконструкция қилиниб, кенгайтирилиши билан бир қаторда янгилари қурилади. Гўшт ва тухум етиштиришга ихтисослаштирилган корхоналарнинг қуввати оширилади. Масалан, 1978 йил давомида гўшт етиштиришга ихтисослаштирилган паррандачилик фабрикаларининг қуввати 1,5 миллион бош бройлерга кўпайтирилади. Хусусан, бу соҳада Янгийўл бройлер паррандачилик фабрикасида катта ишлар амалга оширилади. Гўшт учун ўстириладиган жўжаларни катак усулида боқиш кенгайтирилади. Бу икки баравар кўп маҳсулот олиш имкониятини беради.

Шундай қилиб, 1978—1980 йиллар давомида паррандачилик корхоналари қуриш, кенгайтириш ишларида 183 миллион сўм маблағ ўзлаштириш кўзда тутилмоқда.

«Ўзптицепром» системаси, шунингдек, хўжаликлараро паррандачилик корхоналари қуриш, уларни ускуналаш ҳамда наслли паррандалар билан таъминлаш соҳасида ҳам муҳим тадбирларни амалга оширади. Тухум ва парранда гўшти етиштириш учун курашда аҳоли томорқа хўжаликлари ҳам катта роль ўйнайди. Аҳолининг бу соҳадаги эҳтиёжларини қондириш бўйича ҳам конкрет ишлар қилиш мўлжалланмоқда.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш — паррандабоқарларимизнинг муҳим вазифаларидандир.

Бироқ, айрим паррандачилик фабрикалари ва хўжаликларида ҳали маҳсулдорлик паст. Маҳсулот таннархи анча қимматга тушмоқда. Бу соҳада камчиликларни бартараф қилиш учун корхона коллективлари, мутахассислар билан ҳамкорликда меҳнат қилиб, ишлаб чиқаришга илғорларнинг иш тажрибалари ва фан ютуқларини кенг жорий этишлари керак.

Ҳозир ҳамма ерда беш йилликнинг зарбдор йили вазифаларини муваффақиятли бажариш учун ўзаро мусобақа кундан-кунга авж олмоқда. Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, паррандабоқарларимиз ҳам ҳамиша ана шу мусобақанинг олдинги сафларида борадилар. Элга берган ваъдаларини шараф билан бажариб, аҳолига кўплаб тухум ва парҳез гўшти етказиб берадилар.



Абдулла Нуржонов бошлиқ бригада Калинин районидаги Оржоникидзе номли колхозда пешқадам ҳисобланади. Бу илғор коллектив 16 гектар майдонга экилган эртаки карамдан пландаги 25 тонна ўрнига 50 тоннадан ҳосил олишга аҳд қилган. Суратда: бригада механизатори Ҳайитбой Обидов ва бош агроном Эргаш Пўлатовлар карамнинг ҳолатини кўздан кечирмоқдалар.

А. Усмонов, Ш. Хўжаев фотоси. (ЎзТАГ).

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ҚУРОЛСИЗЛАНИШ КОМИТЕТИДА

ЖЕНЕВА, 11 май. (ТАСС). Бугун Женевадаги Миллатлар саройида қуролсизланиш масалалари билан шуғулланувчи комитетнинг навбатдаги баҳорги сессияси ўз ишини тамомлади. БМТ Бош ассамблеясининг қуролсизланишга бағишланиб ўтказиладиган махсус сессияси комитет тақдим этган махсус докладни қабул қилди.

Совет вакили В. И. Лихачев якунловчи нутқи мажлисда сўзга чиқиб, қуролсизланишнинг энг муҳим проблемаларига тўхталиб ўтди. Шу муносабат билан у қуролсизланиш соҳасида барча турдаги ядро қуроли ишлаб чиқаришни тўхтатиш, ялпи киргин қуролларининг бошқа барча турларини ишлаб чиқаришни тўхтатиш ва тақиқлаш, катта вайронгарчилик келтирувчи оддий қурол-яроғларнинг янги турларини яратишни тўхтатиш, БМТ хавфсизлик кенгашига доимий аъзо бўлган давлатларнинг, шунингдек ҳарбий шартномалар туфайли улар билан боғлиқ бўлган мамлакатларнинг армияларини кенгайтиришдан ва оддий қурол-яроғларни кўпайтиришдан муайян чекланган давр мобайнида воз кечиш тўғрисида КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежневнинг шу йил апрель ойида қилган таклифларининг муҳим аҳамиғини таъкидлади.

Сессия давомида, деди сўзини давом эттириб у,— ядро қуролини ҳар қандай синаб кўришларни тақиқлаш, химиявий қуролни тақиқлаш каби масалаларни ҳал этишда муайян силжишга эришилди. У оммавий қирғин қуролларининг янги турларини тақиқлаш тўғрисида янги кенг кўламдаги шартномани дарҳол тузиш ва имзолаш керак, деб айтди.

ДЎСТЛИК МУСТАҲКАМЛАНАВЕРАДИ

ДЕҲЛИ, 11 май. (ТАСС). Миллионлаб ҳиндлар Ҳиндистон-Совет маданий жамияти фаолиятида қатнашмоқда, деди ТАСС мухбирига шу жамият миллий кенгашининг бош секретари Литто Гхош. Биз мамлакатнинг турли районларида жамиятнинг 1700 бўлимига эгамиз. Активларимиз сони 200 минг кишига етди.

Ҳиндистоннинг кенг жамоатчилиги, ҳукумат доиралари СССР билан дўстлик мамлакатимиз учун ҳаётий муҳим аҳамиятга эга эканлигини яхши англайдилар, деб таъкидлади Л. Гхош. Ҳиндистон-Совет маданий жамияти ер юзида тинчлик манфаатларини кўзлаб, Совет Иттифоқи билан дўстликни янада мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиш учун ҳамма зарур ишларни қилади.

ТИНЧ-ТОТУВ ЯШАШ ПРИНЦИПЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЙЎЛИДА

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг ГФРга қилган визити бутун жаҳонда кенг шарҳланмоқда.

Эркин немис партиясининг ГФР бундестагидаги фракцияси музокараларнинг натижалари Европада кескинликни юмшатиш сиёсати учун муҳим ва фойдали, деб ҳисоблайди. Фракциянинг раиси **В. Мишник** бундай деди: СССР билан ГФРнинг экономика ва саноат соҳасида узоқ муддатли ҳамкорлигини ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги битим совет раҳбарининг визити вақтида имзоланган ҳужжатларни амалга оширишга ёрдам беради».

«Берлинер цайтунг» газетаси (ГДР) ёзади: Л. И. Брежнев ГФРда бўлган вақтида қуролланиш пойгасига чек қўйишга чин кўнгилдан даъват этди. Гарбда, шу жумладан ГФРда ҳам турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшашини ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган кучлар ҳануз борлиги ҳеч кимга сир эмас. Улар қуролланиш пойгасини авж олдиришга интилмоқдалар, советларга қарши кампанияни кучайтирмоқдалар, социалистик мамлакатларнинг ички ишларига тобора аралашишга уринмоқдалар. Шу муносабат билан Л. И. Брежневнинг кескинликни юмшатиш жараёнини муқаррар жараёнга айлантириш мақсадида тинчлик учун курашмоқ керак, деб айтган гаплари жуда муҳимдир. Совет раҳбарининг Боннда қуролланиш пойгасининг барча йўлларини беркитиб қўйишга қилган даъватини ҳамма қўллаб-қувватлади. Л. И. Брежневнинг ГФРга қилган визити Европа қитъасида тинчликни мустаҳкамлаш ва кескинликни юмшатиш жараёнини давом эттиришга муҳим ҳисса қўшди.

(ТАСС, 11 май).



ГФРда коммунистларга, сўл социал-демократларга, ёшлар ва касаба союз ташкилотларининг активларига даалат хизматини ман этувчи «радикал элементлар тўғрисидаги қарор»нинг қабул қилинганлигига олти йил бўлди. Шу давр ичида 4 мингдан ортиқ киши ана шу қарорга биноан давлат хизматига олинмади. Суратда юқоридаги сана муносабати билан Франкфурт-Майнда ўтказилган оммавий намойиш қатнашчиларини кўриб турибсиз.

ТАСС фотохроникаси.

ЛИВАНДА МУРАККАБ ВАЗИЯТ

БАЙРУТ, 11 май. (ТАСС). Ҳукумат танглиги Ливанда уч ҳафтадан кўпроқ вақтдан бери давом этмоқда. Бош министр С. Хоссеннинг мамлакатда янги ҳукуматни тузишга уриниши ҳозирча бирон-бир натижа бермади. Маҳаллий обзорчилар тангликнинг чўзилиб кетишига аввало консерватив «Ливан фронти»нинг тутган позицияси сабаб бўлаётганлигини таъкидлаб ўтмоқдалар. «Ливан фронти» бир томонлама устунликка эга бўлишга уриниб, турли сиёсий кучлар иштирокида барча Ливан территориясини Исроил окупациясидан озод этишни ўз олдига асосий вазифа қилиб қўядиган барқарор ҳукумат тузишга қатъиян қарши чиқмоқда.

Бу ерда бўлиб ўтган кўп минг кишилик митинг иштирокчилари мамлакатда миллий иноқликка эришиш давом этаётган тангликдан қутулишнинг бирдан бир йўли ҳамда Ливанда бирликни сақлаб қолишнинг шарти эканлигини таъкидламоқдалар.

Байрутдан олинаётган маълумотларга қараганда, Исроил ҳарбийлари Ливаннинг жанубида қуролли нотинчликни давом эттирмоқдалар. Ўтган кеча Исроил артиллерияси Фаластин қаршилик ҳаракати ва халқ қаршилик кучларининг жанубий Арқуба ва Набатиядаги позицияларига қарши бир неча марта ўт очдилар. Исроилнинг ҳарбий соқчиси эса кеча Алманзурий қишлоғига бостириб кирди. Бу қишлоқ яқинда БМТ кучлари назоратига топширилган эди. Исроил соқчиси тинтув қилди ва аҳолидан бир неча кишини қамоққа олди. Исроил авиацияси Тир шаҳри устида разведка мақсадида учиб юрибди. Исроил кемалари эса жанубий Ливан соҳилларида тинмай соқчилик қилмоқдалар.

МУҲИМ БОСҚИЧ

АФИНА, 11 май (ТАСС). Греция коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Харилаос Флоракис ГКПнинг 15 майда очиладиган X съезди муносабати билан матбуот вакиллари билан суҳбатда бундай деди: кескинликнинг юмшатилиши, тинч-тотув яшаш сиёсати, ядро қуролини тақиқлаш, қуролсизланиш ҳозирги вақтда тинч яшашни ва тараққиётга эришишни истаган барча халқлар учун бирдан-бир тўғри йўлдир.

У айтдики, Греция ҳукуматининг ғарбга ён босиш йўлини грек халқининг кўпчилиги маъқулламаяпти. Бундай сиёсатга кўр-кўрона эргашиш, деди Х. Флоракис, меҳнаткашларни қашшоқлаштиришга, авторитар режимнинг кучайишига, НАТОдаги иттифоқчилар билан хатарли ҳамкорликнинг чуқурлашишига, ҳарбий чиқимларнинг ўсишига сабаб бўлади.

ГКПнинг X съезди грек халқи ва мамлакат олдида турган проблемаларга, чунончи, монополиялар ва империалистик ҳукмронлик зулмидан ҳалос бўлиш, миллий мустақилликни, территориал бутунликни таъминлаш, Кипр ва Эгей денгизи проблемаларини ҳал этиш, мамлакатни демократлаштириш жараёнини тезлаштириш проблемаларига жавоб бериш керак.

Қаршилик кўрсатилаётганлигига қарамай, коммунистларнинг олиб бораётган ҳамма ишлари, деб уқтириб ўтди Х. Флоракис, ГКПнинг тўғри йўлдан бораётганлигини ва марксча-ленинча партия сифатида Греция ишчилар синфининг ва бутун халқнинг туб манфаатларини ифода этаётганлигини кўрсатмоқда.

Шанба саҳифаси



„Ўзбекфильм“ павильонларида

«ТИНИҚ БУЛОҚ»

ЁШ КИНОРЕЖИССЁР Аҳрор Акбархўжаев «Тиниқ булоқ» деб номланган тўлиқ метражли бадиий фильмни суратга олди. Унда ўсмирлар характерининг шаклланиши хусусида фикр юритилган.

Еттинчи синф ўқувчиси Илҳом каникул вақтида қишлоқка, тоғасиникига боради. У ерда Илҳом кекса боғбон Ҳамроқул ота билан танишиб қолади. Ҳамроқул ота Илҳомга қаҳрамонона ҳалок бўлган ўғли ҳақида гапириб беради. Бу ҳикоя ўсмир ҳаётида кескин бурилиш ясайди, дўстларига муносабати ўзгаради.

Фильм сценарийсини Ж. Исҳоқов ёзган. Рассом Б. Нэзаров, композитор Е. Ширяев. Картинада таниқли киноактёрлар билан бирга пойтахт мактабларининг ўқувчилари ҳам қатнашишди.

«УЗГАНИНГ БАХТИ»

РЕЖИССЁР Камара Камолова бошчилигидаги ижодий группа таниқли қирғиз ёзувчиси Мар Байжиевнинг қиссаси асосида «Узганинг бахти» номли бадиий фильми тайёрлади.

— Биз ўз ҳаётини маънавий жиҳатдан чуқурроқ ўйлашга анча кечикиб қолган инсонларнинг ички дунёсини кўрсатиб беришга ҳаракат қилдик, — дейди Қ. Камолова. — Картинада яхшилик ва ҳаққоният одамлар билан муносабатнинг биринчи ва асосий шарти эканлиги талқин этилади. Агар шундай фазилатлар бўлмаса, инсоннинг ҳеч қандай хизматлари уни ёлғизликдан ва виждон азобидан қутқара олмайди.

«Узганинг бахти» фильми — Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Қамара Камолованинг бадиий кинодаги иккинчи ишидир. Унинг дастлабки режиссёрлик иши — «Аччиқ мева» кинолентаси томошабинларга манзур бўлиб, Москвада ўтказилган V халқаро кинофестивалда махсус соврин билан тақдирланди.

Фильмдаги асосий ролларни СССР халқ артисти Наби Раҳимов, Ўзбекистон ССР халқ артисти Ҳамза Умаров, шунингдек, Тожикистон ССР халқ артисти Сайрам Исаевалар ўйнадилар.

«БАҲОР НАВОСИ»

РЕЖИССЁР Хабибулла Файзиев В. Казанская сценарийси бўйича «Баҳор навоси» номли бадиий фильм яратишга киришди. Марказий телевидение бююртмасига биноан суратга олинаётган ушбу картинада мураккаб аҳлоқий-этик проблемалар ўртага ташланади.

Картина воқеалари бир оила шароити асосида ривожланади. Пўлат — инженер, Лола истеъдодли қўшиқчи, консерватория талабаси. Лекин улар оиласи осонликча шаклана қолмайди. Хотининг санъат соҳасида ишлаши ва хушовозлигини назарда тутмай, уни Пўлат Навоий шаҳрига — қурилишга олиб кетмоқчи бўлади. Ўз касбига лаёқати бор Лола сўзида туриб, ўғли билан бирга Тошкентда қолади...

Кунларнинг бирида Лола ишлаётган театр коллективи гастрол сафари билан Навоий шаҳрига боради. Лола эса ўғли Темурни бирга олиб боради... Навоийда меҳмонларнинг қурувчиларга аталган махсус концерт программаларидагина Пўлат ўз хотинининг талантига тан беради.

Темур ролида беш ёшли Сардор Исҳоқов суратга тушяпти. Ойдин Норбоева эса бу гал яна бир замондоши — Лола образи устида ишлаяпти. Пўлат роли устида эса Мансур Мақсудов ишламоқда. Бундан ташқари фильмда истеъдодли актёрлардан Яйра Абдуллаева, Тўғон Режаматовлар ҳам иштирок этишяпти.

Ш. ҲИДОЯТОВ.

Суратларда: «Тиниқ булоқ», «Узганинг бахти» ва «Баҳор навоси» фильмларидан кадрлар.





БИРИНЧИ МЕДИЦИНА ЁРДАМИ

Кейинги йилларда шаҳар ва қишлоқларимиз йўллари серқатнов бўлиб қолди. Шундай экан, ҳар бир граждданиндан йўл ҳаракати қоидасига тўла риоя қилиш талаб этилади. Аммо, баъзан кутилмаган ҳодисалар юз беради.

Фалокат туфайли кишининг бирор ери лат ейиши, териси шилиниши, суяги синиши ёки чиқиши мумкин. Шундай кўнгилсизликлар юз берганда биринчи ёрдам кўрсатиш бемор дардини енгиллаштиради.

Тери жароҳатланганда кўпинча қон кетади. Шилинган ёки кесилган тери орқали баданга микроб кирмаслиги учун дарҳол чақа атрофига йод эритмаси суртиб, тоза бинт билан боғлаб қўйиш лозим. Бунда дорихоналарда сотиладиган махсус боғлов пакетларидан фойдаланган маъқул. Турли хил томир жароҳатланганлигига қараб қон кетаётган жойнинг юқори ва пастидан қаттиқ сиқиб боғлаб қўйиш керак. Бунда боғловни узоғи билан икки соатдан кейин ўрнини ўзгартириб қўйиш шарт. Акс ҳолда оёқ ва қўл нервлари эзилиб шикастланади. Боғлаганда жароҳатланган аъзони юқорига кўтариб сўнг боғланади. Боғлов ўрнида одатда жгут ишлатилади. Жгут топилмаганда эса резина материал, капрон пайпоқлардан фойдаланиш мумкин.

Шикастланган қўлни дарҳол фанер, тахта парчаси ёки картон билан тахтакачлаб, мато билан ўраб бўйинга осиб қўйиш ва врачга мурожаат қилиш лозим. Оёқ суяклари бўғинидан чиққанда эса беморнинг ўрнидан туришига йўл қўймаслик керак.

Суяк синганда қаттиқ оғриқ пайдо бўлади. Шунинг учун жароҳатланган жойда йод суртиб, тоза бинт билан боғлаб қўйиш керак. Тахтакач терига ботмаслиги учун тери билан тахта орасига юмшоқ нарса, чунончи пахта ёки мато қўйган маъқул.

Умуртқа поғонаси ва корс суяклари синганлиги сезилса беморни асло ўрнидан қўзғотмаслик лозим. Негаки, синган умуртқа поғонаси орқа миясини эзиб қўйиши, синган корс суяги эса жойидан сурилиб кетиши мумкин.

СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг махсус қарорига мувофиқ машиналарда йўл аптечкалари бўлиши шарт.

Уларда валидол таблеткаси, перманганат калий (марганцовка), 10 процентли новшадил спирти ва 5 процентли йод эритмаси, бинт, пахта, қон тўхтатиш учун резина жгут, лейкопластир, биринчи ёрдам пакети бўлиши лозим.

Беморга дастлабки ёрдам бергандан сўнг уни зудлик билан шу яқин орадаги шифохоналарга олиб боришни унутмаслик керак.

Т. ХАСАНОВ,
медицина фанлари кандидати.

ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

САБЗАВОТЛАРДАН тайёрланаётган таомингизга икки чақмоқ қанд солиб юборсангиз таъми яна ҳам лаззатли бўлади.

• • •

КАРТОШКА тезроқ пишиб чиқсин десангиз сувга бир ош қошиқ маргарин мойи қўшиб юборинг.

• • •

СУТДА инсон учун зарур бўлган модданинг ҳаммаси: оқсил, ёғ, сут ширасн ҳамда оз миқдорда бўлса-да витаминларнинг барчасидан бор. Сут ва сут маҳсулотлари киши организмига тўлалигича ва осон ҳазм бўлади.

• • •

ҚУРУҚ жойда сақланган кирсовун зах жойда сақланганидан кўра икки марта ортиқроқ кўпиради ва уч ҳисса кўпроқ кир ювишга етади.

• • •

ДЕРАЗА токчаларига қўйилган гуллар уйни қоронғи қилиб, қуёш нурини тўсиб қўйиши мумкин. Шу сабабли гул тувакларни махсус полкаларга қўйиб, уйнинг ёруғ тушадиган ерига осиб қўйганингиз маъқул.

ҲАР ТЎҒРИДА

ОПА-СИНГИЛ САЙЁРАЛАР

ҚУЁШ системасидаги икки сайёра — Марс ва Ер кўп жиҳатдан бир-бирига ўхшаш. Улар меҳварининг оғиши деярли бир хил, суткаларидаги фарқ эса атиги 40 минут. Марсда сув бор. Лекин кўп эмас — ҳаммасини йиғса бир-гина Ладога кўлига бемалол жой бўлади. Шунингдек, унда кислород ҳам мавжуд. Температура эса на ўта совуқ, на ўта иссиқ: минус 30—40 дан плюс 20—26 даражагача.

НОМ ҚЎЙИШ ҲУҚУҚИ СОТИЛДИ

ЎТГАН АСРНИНГ охирларида веналик астроном Палиса янги астероид кашф этди. Олимга яна ҳам қудратли ва мукаммаллашган астрономик асбоблар сотиб олиш учун пул зарур эди. Шу сабабли у осмон жисмига ном қўйиш ҳуқуқининг сотилиши ҳақида эълон қилди. Харидор ҳам дарҳол топила қолди: миллионер барон Альберт фон Ротшильднинг истагига кўра астероид унинг хотини номи билан Беттини деб аталди.

КАПАЛАК УЗИНИ ДАВОЛАЙДИ

КЎПДАН БУЁН врачлар кишида заҳарланиш ҳодисаси юз берганда, беморни ошқозонни ювиш усули билан даволайдилар. Лекин ҳозирги медицинада энг самарали ҳисобланган бу профилактикани инсонлардан анча илгари ҳашаротлар қўллаганлар. Чунончи, Францияда учрайдиган елканлилар оиласига мансуб капалаклар оғули ўсимликлар нектаридан заҳарланган чоғида кўлмакка келиб, тахминан йигирма минут давомида сув ичадилар. Ҳар беш-ўн секундда заҳарли моддани ювган сув томчи-томчи бўлиб ажралиб чиқади. Ниҳоят капалак зарарли моддалардан халос бўлгач, учиб кетади ва қайта бундай ўсимлик ёнига ҳеч қачон йўламайди.

Ш. АБДУЛЛАЕВ.

Реклама ва эълонлар

Ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

13, 14 МАЙ СОАТ 19.30 ДА

«ОКТЯБРЬ 40 ЙИЛЛИГИ» ФЕСТИВАЛИ, БУТУНИТТИФОҚ ПРОФЕССИОНАЛ БАДИИЙ КОЛЛЕКТИВЛАР КЎРИГИ — КОНКУРСИНИНГ ЛАУРЕАТИ

ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС «ШОДЛИК» АНСАМБЛИНИНГ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН ССРда ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ, БУТУНИТТИФОҚ ЭСТРАДА АРТИСТЛАРИ КОНКУРСИ ДИПЛОМАНТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИНИНГ ЛАУРЕАТИ

Дилафруз ЖАББОРОВА

ЎЗБЕКИСТОН ССРда ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ

Вилоят ОҚИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИНИНГ ЛАУРЕАТИ

Дилбар ФЛЁЗОВА

Солистлар: Ғуломжон ЁҚУБОВ, Ҳотам ҲОЖИЕВ, Хавасхон ИСКАНДАРОВА, Райҳон АБДУЛЛАЕВА, ака-ука Элмурод ва Холмурод ИСЛОМОВлар, Дилором ҚАЮМОВА, Моҳичеҳра НУРМУҲАМЕДОВА, Бахтиёр ХОЛХЎЖАЕВ, Зуҳра ҚОДИРОВА, Абдурашид МУСТАФОҚУЛОВ ва бошқалар.

ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Программани — Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.

Ансамблнинг бадиий раҳбари — композитор Мирхалил МАҲМУДОВ.

Мусиқа раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Сайфиддин ИЗЗДОШЕВ.

Бош балетмейстер — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Анбар МУМИНОВ.

Бош хормейстер — Султон УМАРОВ.

БИЛЕТЛАР СОТИЛМОҚДА.

ЯНГИ ҚЎШИҚЛАР

АКМАЛ ПЎЛАТ

КИЧИК ЕР ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

(Ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу номли китобини ўқигандан сўнг)

Номинг машҳур, дарёлардай улуғсан,
Шону-шуҳрат, зафарларга тўлиқсан.
Дунё қойил, сенга дилдан «Кичик ер»,
Ҳақиқий, азамат, ҳеч енгилмас шер.
Нур сочмоқда тарихий, зарварақ китоб,
Мусаффо осмонда мисоли офтоб.
Фашистларни роса қирдинг майдонда,
Евлар қочди тоб беролмай ҳар ёнда.
Жангларда кўрсатдинг мардлик, жасорат,
Бўшашмади зарра бўлсин ҳарорат.
Жондан севар сенинг ўғил-қизларинг,
Меҳрибон, ширин сўз, ой юлдузларинг.
Халқлар хурсанд бизнинг шонли Ватандан,
Тинчликнинг кўрғони, обод, чамандан.
Акмалинг куйлайди сени умрбод,
Бахтли давронимдан элу-юртлар шод.
Номинг машҳур, дарёлардай улуғсан,
Шону-шуҳрат, зафарларга тўлиқсан.

ДЕҲҚОНЛАРГА

Пахтазорнинг савлати марди-майдон деҳқонсан,
Ҳосилдорлик бобида катта карвон деҳқонсан.
Деҳқончилик касбингни севаман жону тандан,
Мадҳинг дилдан айтаман, чин паҳлавон деҳқонсан.
Мўл ҳосилнинг калити сенинг олтин кўлингда,
Ҳиммати зўр пахтакор машҳур жаҳон деҳқонсан.
Ҳар бир қарич еринги қадрини яхши биласан,
Тупроқ сирин англашда моҳир, лукмон деҳқонсан.
Тонналарни кўтарсанг, кўкка етар хирмонинг,
Халқим учун ардоқли, асл инсон деҳқонсан.
Мудом юксак парвозинг, авжингга авж қўшавер,
Аҳдинг адо этишда элга аён деҳқонсан.
Кенг оламга тарқалди, янги режа, овозанг,
Меҳнат гаштин сураверб, давру-даврон деҳқонсан.
Акмал қўшиқ ёзади дилдан сени олқишлаб,
Бахтимизга ҳамиша бўлгин омон деҳқонсан.

ЧАМАН ЯЛЛА

(қўшиқ)

Юраккинам оромидир, чаманялла,
Қандай гўзал, қандай ширин бизнинг палла.
Ҳамма дилдан меҳр қўйган диёримга,
Қон-қардошлар жўр бўлади гулёримга,
Гулёримнинг туб маъноси саодатдир,
Ҳалол меҳнат мард халқимга чин одатдир.
Фаровонатда яшар халқим меҳнат билан,
Камол топдик, эллараро иззат билан.
Диёримиз нур маскани қуёшистон,
Гул диёрим чин мардларга мангу макон.
Шуҳратимиз жаҳон кезар, ер осмонда,
Она-Ватан муҳаббати пок виждонда.
Акмал куйлар доим дўстлик шонини,
Дилдан қўймас асло тинчлик қарорини.
Юраккинам оромидир, чаманялла,
Қандай гўзал, қандай ширин бизнинг палла.

УЧАРҲОН эрта билан қизчасини боғчага олиб кета туриб, бекатда, кичик киоска атрофида уймалашган одамлар ниманидир харид қилишаётганини кўриб қолди.

— Ҳой яхшилар, нима сотиляпти?— деди, ҳамма олиб у қуруқ қолгандай, ҳовлиқа-ҳовлиқа қизчасини ҳам унутиб, ўзини оломон ичига урди.

Тўс-тўполонда қайтарилган жезоб унга «Зўр мато» бўлиб эшитилди. Учарҳон ғаранг эди. Наҳотки, жума куни газета ва журналлар сотилаётган дўкончада, бугун шанба куни зўр мато сотилса.

— Қанчадан экан?— деб, ўзини одамлар ниғоҳидан четга олди-да, ёқасидан бир дастани ғижимланган пул чиқарди.

— Уттиз олти, беш чизиқлик!— дейишди бараварига ўрта ёшлардаги икки киши.

— Ия, беш тепкилик, 36 сўмдан десангизчи!— деб ўзича минғиллаб қўйди Учарҳон.

— Ҳой аёлнай, овсин, менга ҳам қўшиб олинг!— деди ўзидан бир назбат илгари турган харидорни кўпол туртиб.

— Нима?!— деб ўшқирди қўлида ручка ушлаб турган сочи узун ўспирин йигитча.

Учарҳон тушида бир нарсадан чўчигандек бўлиб:

— Кечиринг, кечиринг укам, мен сизни... сочингизга қараб...

Учарҳон ён-верига аланглаб қараса, навбатда турувчилар ҳаммаси эркаклар.

— Эркакларни жин-пин урганми? Модага шуниси етишмай турувди. Энди атлас кўйлак ҳам кийишсин.

Тарки одат деганларидек, қизчасини, уйда эмизикли боласи қолганлигини баҳона қилиб навбатсиз олдинга суқилди.

Сотувчига пул узата туриб:

— Уйлантирадиган ўғлим бор, ука. Бўлажак келинимнинг онаси, камида атласнинг беш туридан кўйлак қиласиз деб туриб олган. Бир кийимлик узатиб юборинг!!!

Сотувчи ҳеч нарсага тушунмай, ютуқ чиқса ўғлини уйлантирар экан деган хаёлда, Шанба куни тиражи бўладиган «спортлото»дан бир дастасини узатди.

— Вой шўрим!— Учарҳон лотерея билетини олар экан, ғазабли бир илжайди-да, қизининг қўлидан тутиб: «Шанба куни боғчага бало бормиди!»— деб бу ҳанжмага ўзи эмас, бегуноҳ қизча айбдордек, уни жерка-жерка кўздан ғойиб бўлди.

Абдураҳмон ҒАФФОРОВ.

„ЗЎР МАТО“

(ҲАЖВИЯ)

ГУГУРТ ДОНАСИДАН... СКРИПКА


БОЛГАРИЯДА ана шундай скрипка мавжуд, аммо кўринишн оддийсидан фарқ қилмайди — салгина лаки кўчган, холос. Скрипка Софиядаги революцион ҳаракат Миллий музейининг минглаб экспонатлари орасида сақланмоқда. Унинг олдида жуда кузатувчан нигоҳли томошабингина бир нафас тўхтаб қолади.

Скрипка остидаги изоҳномани ўқиган одам ҳайжонга тушиши турган гап. Аммо бу

АЖОИИБОТЛАР ОЛАМИДА

ғаройиб музика асбоби 5040 дона гугурт чўпидан тайёрланганлиги ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаса керак. Скрипканинг музей экспонатлари орасидан жой олишининг сабаби, уни болгар коммунисти Недялко Николов ясаган.

Ҳа, мана шу скрипка революцион-тарихий обида саналади. У Болгария Компартияси Околийск комитетининг секретари қамалган турмада «туғилган». 1938 йилда эса бу машҳур скрипка Софияда ҳунармандчилик буюмлари кўргазмасида намойиш қилинди. Кўргазмада у биринчиликни эгаллади — олтин медаль ва фахрий ёрлиққа сазовор бўлди. Бироқ, аслида скрипка ижодкорига фақат ёрлиқ топшириш билангина чегараланишди, — дея хабар қилади София — Пресс агентлиги ва АПН.— Ахир у коммунист эди-да...



КЕЙИНГИ ПУШАЙМОН...

ТЕКИНХЎР, ИЧКИЛИКБОЗ, БЕЗОРИЛАРГА ШАФҚАТ ИЗҲ

Борис Табачников Оҳунбобоев номли колхоз қурилиш бригадасида тупла тузук ишлаб юрган эди. Унинг қўлида бинойидек ҳунари сувоқчибўёқчилик-касби ҳам бор эди. Молдавияга қариндошларининг меҳмонга боргани-да шаҳар магазинларида турли полослар бемалол сотилаётганини кўриб аввалига ҳайратланди. Сўнг кутилмаганда миясига бир фикр келди: «Уч-тўрттасини олиб Чирчиқда пулласа нима бўларкин? Ахир бирни иккига сотадику». Ана шундай хаёллар билан учта гилам полос сотиб олди.

Тақчил буюмларига тезда харидор ҳам топди. 5 метрлик полосни Шамсутдинова-га 160 сўмга сотди. Қолганини ҳам осонгина пуллади. Қарабсизки 300 сўм қолиб турипти. Йўл ҳаражатларини чегириб ташлаганда ҳам, беш-ўн сўмлик бўлиб қолди.

«Ишламай топганнинг қайшмай ейишини кўр» деганларидек Борис Табачниковнинг ҳатти ҳаракати ОБХСС ходимларида шубҳа туғдирди. Ашёвий далил билан қўлга тушган олиб сотар камёб нарсалар олиб келишда эди.

Бир йўла олтита полосни сотиб олиб, хурсанд бўлиб уйига қайтди. Якшанба куни бозорга йўл олди. Б. Табачников «пулга мухтожликдан, етишмовчиликдан сотяпмиз» дерди-ю нархига келганда оёгини тираб олган эди. Ҳали оҳори тўкилмаган полосни «етишмовчиликдан сотаётган» Борис Табачниковнинг ҳатти ҳаракати ОБХСС ходимларида шубҳа туғдирди. Ашёвий далил билан қўлга тушган олиб сотар қилмишларини бўйнига олди.

Бу жиноятни очишда Чирчиқ шаҳар ички ишлар бошқармаси ходимлари О. Далимов, Р. Тожиев, Н. Петровскийларнинг хиссаси катта бўлди.

Халқимизда «кейинги пушаймон ўзингга душман» деган мақол бор. Текин йўл билан бойлик орттиришга уринган Борис Табачников ҳозирда қилган номақул ишлари учун пушаймон бўляпти-ку, лекин бунинг фойдаси йўқ-да!

Ш. АКБАРОВ.

СПОРТ ✦ СПОРТ ✦ СПОРТ

ИККИНЧИ ЎРИН

Куни кеча Германия Демократик Республикаси пойтахтида Жаҳон велопойгаси бошланганлигини хабар қилган эдик. Берлиндан Галлегача бўлган 196 километрли масофадан иборат биринчи босқичда польшалик Станислав Шозда ғолиб чиқди. СССР терма командаси вакили А. Пикқуус маррага иккинчи бўлиб етиб келди. Команда ҳисобида бизнинг велосипедчиларимиз мезбонлардан сўнг иккинчи ўринда боришмоқда.

БИРИНЧИ ЛИГАДА

Футбол бўйича биринчи лига командалари чемпионатининг навбатдаги тур ўйинлари бўлиб ўтди. Бунда «Крилья Советов» — «Терек», «Кубань» — «Спартак» [Оржоникидзе], СКА [Одесса] — «Нистру» учрашувларн бир хил — 2:0 ҳисобида якунланди. «Шинник» эса ўз майдонида «Таврия»га 0:3 ҳисобида ютқазиб қўйди. «Карпати» — «Спартак» [И-Ф] учрашуви ҳам 3:0 ҳисобида тугади.

Қолган ўйинлар қуйидаги натижаларни берди:

«Кузбасс»—«Помир» — 1:1, «Уралмаш» — «Колхозчи» — 1:1, «Динамо» [Л] — «Металлург» — 1:1, «Динамо [Мн] — «Торпедо» — 1:2, «Жальгирис» — СКА [Р] — 2:2.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт» 9.35 — «Тонги почта.» 10.05 — «Диққат — йўл!» 10.35 — «Мардлик». 10.55 — Спортлото. 11.05 — «Здоровье». 11.50 — Хоккей. Финал группа қатнашчиларининг учрашуви. 13.45 — «Мусиқали сайил». 14.25— Кинопрограмма. 15.25 — «Васёк Трубачёв ва унинг ўртоқлари» (бадиий фильм). 16.45 — «Мўъжизасиз мўъжизалар». 17.45 — «Правда» газетасининг сиёсий шарҳловчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ю. А. Жуковнинг халқаро мавзулардаги суҳбати. 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — 1978 йил қўшиқлари. 19.15 — «Инсон қалби ҳақида қисса» (бадиий фильм, 1 ва 2-қисмлар). 21.30 — «Вақт». 22.00 — Концерт. 00.40 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10— «Шаштингиздан қайтинг, хоним» (телеминиатюралар). 11.00 Спорт кўрсатуви. 11.30 —Концерт. 12.10 — «Футбол ҳақида сўз очманг» (бадиий фильм). 13.25 — «Илҳом». 14.05 —«Буни ҳамма билиши ва ундалаши керак». 18.00 — Болалар учун фильм. 18.15 — «Санъат гунчалари. 18.45 —Ота-оналар университети. 19.15 — «Ахборот». 19.30— Актёрлар ва роллар. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — М. Нурмуҳамедова ва Ғ. Еқубов ижро этади. 21.30 — «Вақт». (Москва). 22.00 —«Пилла — бойлигимиз». 22.15 — «Май табассуми». Байрам концерти (такрорий).

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.30 — Душанба кўрсатувлари.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 13|V да **Пиковая дама** (билетлар сотилган), 14|V да **Этик кийган мушук** (12.00, билетлар сотилган), **Спартак** (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 13|V да **Ганг дарёсининг қизи**, 14|V да **Келинлар қўзғолони** (12.00), **Қиёмат қарз** (19.30).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 13|V да **Она қизим**, 14|V да **Шаҳзода ва етим қиз** (12.00), **Кулги кечаси**, 15|V да **Кулги кечаси.**

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — МОСКВА ДАВЛАТ МУЗ УСТИДА ЦИРК АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ (12, 16, 19.30).

Кино

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ — **Катта пойга** (катта зал, кундуз ва кечқурун).

Тандир — «ДРУЖБА» (11, 14, 17, 20.00), ХАМЗА номли (11, 14, 17, 20.00), «МИР» (11, 14, 17.00). «ҚОЗОҒИСТОН» (12, 13, 16, 17, 20.00), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Қамал — «ЧАЙКА» (11.30, 14.30, 17.30, 20.30).

Шаҳарни асранг — ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ номли (жуфт соатларда).

Никоҳ эълони бўйича таништув—«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

Қамал — «ФЕСТИВАЛЬ» (20.30).

Тандир — «ХИВА» (20.30).

Ўзбекистон ССР автотранспорт министрлигининг «Узавтотранстехника» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи бирлашма лойиҳа-конструкторлик бюросининг бошлиғи, техника фанлари кандидати И. А. Асатовга онаси

Саврнисо ИСМАТОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41

Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь 334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; маданият — 325558; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894.

Р. 06901. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг, Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри, Индекс 64583. Д — 2406.